



ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>

IBN MUBARAK'S STYLES IN THE SCIENCE OF HADITH

Akmal Ulugmurotov

Master student

*International Islamic Academy of Uzbekistan
Uzbekistan, Tashkent*

ABOUT ARTICLE

Key words: "Tahammul wa ado", azimat, permission, permission, munawala, "Mustalahul hadith", book, message.

Received: 10.12.24

Accepted: 12.12.24

Published: 14.12.24

Abstract: The purpose of this article is to consider the types of "tahammul" (عَتَّمَل) related to the science of "Mustalahul hadith". The science of Mustalah al-Hadith studies the rules and methods that examine the state of the text and the hadith in order to accept or reject the hadith. A person who carefully studies these methods and rules will be able to study the text of the hadith, the date, and what type they belong to.

ИБН МУБОРАКНИНГ ҲАДИС ИЛМИДАГИ УСЛУБЛАРИ

Акмал Улугмуротов

магистратура талабаси

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: "Таҳаммул ва адо", азимат, рухсат, ижоза, муновала, "Мусталахул ҳадис", китобат, рисолат.

Аннотация: "Мусталахул ҳадис" илмига оид бўлган "таҳаммул" (التحمل) нинг турлари масалаларини кўриб чиқиш мазкур мақоланинг мақсади ҳисобланади. «Мусталахул ҳадис» илми ҳадисни қабул килиш ёки рад этиш учун матн ва санаднинг ахволларини текширадиган қоида ҳамда усулларни ўрганади. Мазкур усул ва қоидаларни пухта ўрганганди одам ҳадиснинг матнини, санадини ва уларнинг кайси турга мансублигини ўрганиш имконига эга бўлади.

МЕТОДЫ ИБН МУБАРАКА В НАУКЕ ХАДИСОВ

Акмал Улугмуротов

Магистрант

*Международной Исламской Академии Узбекистана
Узбекистан, Ташкент*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: «Тохаммул ва адо», азимат, разрешение, разрешение, мунаавала, «Мусталахул ҳадис», книга, сообщение.

Аннотация: Цель данной статьи - рассмотреть виды «тахаммуль» (**عَلَمَ**), относящиеся к науке «Мусталахульский ҳадис». Наука Мустала аль-Хадис изучает правила и методы, которые исследуют состояние текста и хадисов, чтобы принять или отклонить хадис. Человек, внимательно изучивший эти методы и правила, сможет изучить текст хадиса, дату и то, к какому типу они принадлежат.

КИРИШ

Ҳадислар мұхаддисгача етиб келишида баъзи ўзгаришларга учраган. Уларнинг сахиҳларини, хужжат ва далил бўлиш кучига эгаларини ва заиф эканини ажратиш учун алоҳида илм зарур бўлади. Ана шу илм «Мусталахул ҳадис» илми ҳисобланади. Айнан шу илм асосида мұхаддис уламолар қадимда ҳадисларни саралаб чиққанлар. Ҳозирги кунда эса мұхаддисларнинг қилган ишларини қайта кўриб чиқиш учун эмас, балки ҳадис илмини чуқурроқ тушуниб етиш ва ҳадиларни тўғри тушуниш учун «Мусталахул ҳадис» илми ўрганилади.

«Мусталахул ҳадис» илмida ҳар бир ҳадисга амал қилиш ёки қилмаслик ҳақида ҳукм чиқаришдан олдин унинг санади, яъни ҳадисни ривоят қилувчи шахслар бирма-бир ўрганиб чиқилади. Бунда асосан ривоятлар ораси узилмай келганми ёки узилиб қолганми, қайси лафзлар билан ривоят қилинган, ровийларнинг ишончлилиги ва шунга ўхшаш кўп жиҳатлари эъиборга олинади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳадиснинг санади ўрганиб бўлинганидан сўнг, унинг матнини ҳам ўрганиш бошланади. Ундаги нуқсонлар ҳам ўзига яраша қоидалар асосида текширилади, олиб борилган изланишлар натижасига қараб ҳадисни қабул қилиш ёки қилмаслик ҳақида ҳукм чиқарилади.

“Мусталахул ҳадис” илмига оид бўлган “таҳаммул” (**التحمّل**) нинг турлари масалаларини кўриб чиқиш мазкур мақоланинг мақсади ҳисобланади.

Ҳадис илмига оид китобларда таҳаммул сўзи адо (**ادء**) калимаси билан бирга ишлатилади ва у ҳадис илмida “таҳаммул ва адо” тарзида келади. Таҳаммул ривоятни турли

йўллар билан қабул қилиб олишни ифодаласа, адо этиш ўзи билган ривоятни бошқага етказиши тушунилади.

Таҳаммулнинг асосан икки тури мавжуд:

1. **Азимат** – тўғридан-тўғри эшитишлик билан событ бўлган;
2. **Рухсат** – тўғридан-тўғри эшитилмаган.

Азимат ўз навбатида тўрт хил бўлади:

- 1) Шайхдан (устоздан) эшитиш;
- 2) Шайхга (устозга) ўқиб бериш (яъни эшиттириш);
- 3) Китобат (ёзишма) орқали етиб келиш;
- 4) Рисолат (воситачи) орқали етиб келиш.

Биринчи ва иккинчиси энг етук азимат саналади, зеро уларда ҳақиқий эшитиш бор.

Сўнгги иккитаси эса улардан кейинги ўринда туради, чунки уларда (*тўғридан-тўғри эшиштиши бўлмагани учун*) рухсатга ўхшашилик бор.

Рухсат этилган таҳаммул эса икки хил бўлади:

- 1) **Ижоза**
- 2) **Муновала**

Энди буларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганиб чиқамиз.

Азимат таҳаммули:

1. Шайхдан эшитиш

Бунда шайх ривоятни хотирасидан ёки ёзган нарсасидан ўқиб беради, талабалар эса устоз айтганини унинг оғзидан тўғридан-тўғри эшитишади. Бу – айнан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан саҳобалар ҳадисларни қабул қилиб олган, кейин одамларга уни ривоят қилган, улар кетидан муҳаддислар ҳам шундай қилган услуб.

Муҳаддислар наздида бу услубда ҳадисни эшитган кишига адо этишининг барча лафзларини ишлатиши жоиз ҳисобланади. Масалан “ҳаддасано” (*Бизга ҳадис айтди*) ёки “ахбарано” (*бизга хабар берди*) ёки “самиъту фулонан” (*фалончидан эшиштдим*) ёки “қолано” (*бизга айтди*) ёки “закара лано” (*бизга зикр қилди*) каби. Булар ичida энг юқориси “ҳаддасано” (*бизга ҳадис айтди*) ва “самиъту” (*эшиштдим..*) ҳисобланади.

2. Шайхга ўқиб бериш

Бунда талаба ўз ҳифзи-хотирасидан ёки ёзган нарсасидан шайхига ўқиб беради, шайх эса уни айтаётгандарини тўғридан-тўғри эшитади. Сўнг ўқувчи: “Мени ўқиб берганим сиз билганга мувофиқми?” деб сўраганда шайх: “Ҳа” деб жавоб беради. Буни қўпчилик муҳаддислар “арз” (текширитириб олиш учун кўрсатиш) деб ҳам аташади.

Ҳанафийлар наздида шайхнинг “ҳа” деган иқори ўша нарсани ўзи ўқиб бериш ўрнини босади ва шу боисдан ўқувчи бу услубда қабул қилган ҳадисни ривоят қилганида

ҳам, худди шайхнинг оғзидан эшитганида айтгани каби “ҳаддасано” (бизга ҳадис айтди) дейиши жоиз ҳисобланади. Шунингдек, Имом Зухрий, Имом Молик (179 х. с.да в.э.), Ибн Уяйна (198 х. с.да в.э.), Яхё Қаттон (198 х. с.да в.э.) ва бошқа муҳаддислар ҳам юқоридаги фикрни маъқуллаганлар. (3:465).

Аммо аксар муҳаддислар чунончи имом Абдуллоҳ ибн Муборак (181 х. с.да в.э.), Яхё ибн Яхё Тамимий (416 х. с.да в.э.), Аҳмад ибн Ҳанбал (241 х. с.да в.э.) ва бошқалар бу каби ривоятларда “фalonчига ўқиб бердим” ёки “мен эшитиб турганимда falonчига ўқиб берилди ва у икror қилди” дейиши эҳтиётлироқ бўлиб, аммо “ҳаддасано” ёки “ахбарано” каби ибораларни эса фақат шайхдан тўғридан-тўғри эшитган одамгина ишлатиши мумкин, деганлар. (4:64).

Хатиб Бағдодий айтади: (бундай ўринда муаллифнинг гапи шу қаторнинг ўзидан давом этади) *Шайхга ўқиб берииши уни ўзидан эшитишидан ҳам афзал деювчилар келтирадиган асосий сабаблар шуки, эҳтимол ровий (яъни шайх) ўзи ўқиётганида унумтиши, хатога йўл қўйиши мумкин, эшиитувчи (шогирд) эса уни рад этолмайди, масалан бу борада илми йўқлиги сабабли, ёки ровийнинг хатоси илм аҳли ихтилоф қилган масалада рўй берган бўлса, шогирд буни устознинг мазҳаби бўлса керак, деган хаёлга бориб, шуни тўғри деб ўйлаган бўлиши, ёки ровийнинг (шайхнинг) ҳайбати-салобати босиб, унинг хатосини рад этолмай қолиши мумкин.*

Сарахсий шундай дейди: *Аҳли ҳадислар айтишишича, шайхдан эшитиши – энг тўғри услугбодир. Чунки бу Расулulloҳ коллаллоҳу алаиҳи ва салламнинг услуби бўлиб, хато ва унумтишидан ҳам йироқ, мақсадни адo этиши учун ҳам, яъни омонатни умумий суратда зиммага олиш учун ҳам, ҳақлироқдир. Аммо Абу Ҳанифадан ривоят қилинишича: муҳаддисга сен ўқиб бермогинг, муҳаддис сенга ўқиб бермогидан афзалдир. Чунки бу нарса (яъни шайх ўқиб, шогирдлар эшитиши) фақат Rasululloҳ коллаллоҳу алаиҳи ва салламга хос бўлган, бунга сабаб, биринчидан, у зот унумтишидан ва хато қилишидан омонда бўлганлар, иккинчидан у зот нимани ёдлаган бўлсалар ёдда сақлар, ўзлари ёзолмас ҳам, ёзилган нарсани ўқиёлмас ҳам эдилар...* (2:235).

3. Китобат

Китобат – муҳаддиснинг ўз ривоятларини бирон кишига мактубда ёзишидир. (4:43).

Мактубда: “*Менга фалончи фалончидан ҳадис айтди*” деб санадини охиригача зикр қилиши, сўнгра “*Агар сенга ушибу мактубим етиб борган бўлса ва ундаги нарсани тушунган бўлсанг, уни мендан ривоят қиласкер!*” дейилиши керак.

4. Рисолат

Рисолат – муҳаддис ҳадисни бошқа муҳаддисга етказиш учун элчига: “*Мендан фалончига етказиб қўй: менга фалон ибн фулон ҳадис айтди*” деб, унга санадини охиригача

зикр қилиши, сўнг: “Агар сенга элчи орқали айтиб юборганларим етиб борган бўлса, уни шу иснод билан мендан ривоят қиласер” деб тайинлашидир.

Китобат ва рисолат – ижозали ёки ижозасиз бўлиши мумкин.

Ижозасиз китобат ёки рисолат орқали келган нарсани бошқаларга ривоят қилиш жоизлигида ихтилоф бор. Аммо саҳиҳроғи, уни жоизлигида. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жойлардаги тайин қилинган шахсларига турли хукмларни китобат ёки рисолат орқали жўнатар әдилар ва у аҳкомларни ривоят қилиш учун алоҳида ижоза илова қилмасдилар. Қози Абу Яъло (782 ҳ.с.да в.э.), Шерозий (422 ҳ.с.да в.э.), Самъоний (562 ҳ.с.да в.э.), Розий (250 ҳ.с.да в.э.) буни жоиз деганлар.

Ижозали китобат ёки рисолатда келган нарсани ривоят қилиш жоизлигида эса ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Унда масалан: “Шу мактуб ичидаги нарсаларни ёки сенга ёзганларимни ривоят қилишингга ижоза бердим” ёки шунга ўхшаш ижоза бериш маъносидаги сўзлар бўлиши керак.

Имом Ҳанафий айтади: *Ижозали китобатнинг саҳиҳлиги ва қувватга эгалиги – ижоза билан қабул қилинган ҳар қандай муновала кабидир, валлоҳу аълам.*(1:323).

Ҳанафийлар бирон хабарни ғойиб (*яъни ровийни олдида бўлмаган, ундан узоқдаги*) кишига китобат ёки рисолат орқали етказиш худди ҳозир (*ровий олдида бор*) кишига тўғридан-тўғри хитоб қилиш билан бир хилдир, деб бунга шаръий ва урфий далил келтирадилар.

Шаръий далил шуки: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ислом динини барча одамларга етказишга буюрилган әдилар ва хузуридагиларга Исломни тўғридан-тўғри хитоб билан етказганларидек, ғойибларга китобат ва рисолат йўли билан етказганлар. Шунингдек, талоқ, қул озод қилиш ва оғиз билан айтишга боғлиқ бошқа аҳкомлар ҳам хитоб билан событ бўлгани каби, китобат ва рисолат орқали ҳам событ бўлаверади. (1:324).

Урфий далил шуки: одамлар ҳар доим китобат ва рисолат орқали келган буйруқни тўғридан-тўғри хитоб қилинган буйруқ билан тенг ҳисоблаганлар. Шунинг учун халифа ва подшолар қозилик ва амирлик каби мансабларга оғзаки тайнлаганлари каби, китобат ва рисолат орқали ҳам тайнлаб келганлар ва ёзма буйруқларга итоат этмаган одамни оғзаки буйруқка итоат этмаган каби санаганлар.

Аммо мактубни айнан эгасига тегишли эканлиги исботига келсак, айрим ҳанафийлар бунинг учун маҳсус муҳр каби алоҳида далил-хужжатни шарт қилганлар. Ҳанафийларнинг аксарияти ва деярли барча муҳаддислар бунинг учун алоҳида хужжат шарт эмас, балки мактубни олган одам уни эгасининг дастхатини таниши кифоя деганлар. (1:325).

Масалан, Имом Жассос айтади: *Кимга бир ҳадис ёзиб жўнатилган бўлса, агар уни наздида ушибу дастхатнинг айнан жўнатувчиники эканлиги саҳиҳ бўлса, масалан, ишончли*

киши шунга гувоҳлик берса ёки дастхатни ўзи таниса ва бу билан унда мактубнинг ўша одамга тегишили эканига голиби зон ҳосил бўлса, мактубни олган киши “менга фалончи хабар берди” деб ривоят қилиши жоиз, аммо менга “фалончи ҳадис айтди” демайди. (1:325).

Аммо китобат ва рисолат орқали таҳаммул қилган киши олган нарсасини бошқаларга қандай лафз билан адо этади, деган саволга келсак, ҳанафийлар “бизга фалончи хабар берди..” дейишни ихтиёр этганлар. Чунки китобат ва рисолат тўғридан-тўғри оғзаки айтиш каби бўлмаса-да, лекин хабар етказиш у билан событ бўлади. (1:326).

Бунинг далили шуки, Аллоҳ таъоло ўз Китобини етказиш ва расулини жўнатиш билан бизни мукаррам қилди. Бироқ, ҳеч ким: “менга Аллоҳ ҳадис айтди” ёки “менга Аллоҳ гапирди”, дейиши мумкин эмас. Буни фақат Мусо алайҳис-салом айтиши мумкин. “Бизга Аллоҳ хабар берди” ёки “бизга Аллоҳ билдири” дейиш эса жоиздир.

Шунинг учун ҳанафий олимлари аввалги икки услубда (эшитишда ва ўқиб беришда) “бизга ҳадис айтди” дейишни, сўнгги иккисида (kitobat ва risolatda) эса “бизга хабар берди” дейишни ихтиёр қилганлар.

Рухсат таҳаммули (ҳадис ривоят қилишга ижоза)

Рухсат таҳаммули, юқорида айтганимиздек, икки хил бўлиб, бири **ижоза**, иккинчиси **муновала** дейилади. Бу икки абзанди битта қилиб гап билан улб юборса яхши чиқади.

1. Ижоза

Ижозанинг луғавий маъноси – “ўтказиш”. Истилоҳда ҳадисни ривоят қилишга оғзаки ёки ёзма тарзда рухсат беришdir.

Жумхур олимлар наздида ижоза ривоятни таҳаммул қилиш услубларидан бири бўлиб, у билан ривоят қилиш ҳам, унга амал қилиш ҳам жоиз бўлади. Ҳанафий олимлари, ижоза берувчи китобдаги нарсани билиши, ижоза оловчи эса ундаги нарсани тушуниши ва аниқ эслаб қолиши шарти билан, хос ва муайян ижозани сахих деб биладилар. Мазкур шарт топилмаган ижоза – Имом Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммад наздида ботил, Имом Абу Юсуф наздида эса сахихdir.

Имом Саражсий айтади: *Ижоза ва муновалани сахих бўлиши шарти шуки, китобдаги нарса ижоза берилаётган кишига маълум ва тушунарли бўлиши, ижоза берувчи эса аниқ ва пухта хотира эгаси бўлиб, китобдаги барча нарсани билиши керак. Бундай ҳолатда “мана шу китобдаги нарсаларни мендан ривоят қилишингга ижоза бердим” деса, билиттифоқ, ҳеч қандай ихтилофсиз сахих бўлади.*

Аммо ижоза сўровчи китобдаги нарсани билмаса, айрим машойихларимиз айтишича Абу Ҳанифа ва Муҳаммаднинг қавлига кўра бундай ижоза сахих эмас, Абу Юсуф қавлига кўра сахихdir.

Аммо муҳаддис: мендан барча эшиитган нарсаларингни ривоят қилишига ижоза бердим, деса, билиттифоқ носаҳиҳдир...

Нақл қилинадики, тобеинлар пешволаридан бирига бир киши шу тарзда ижоза бершишини сўраб мурожсаат қилганида, у бундан ажабланган ва шогирдларига: “Бу мендан ўз номимдан ёлғон нарсани ривоят қилишига рухсат бершишимни талаб қиляпти” деган. (2:235).

2. Муновала

“Муновала”нинг луғавий маъноси “бериш”, “тутқазиш” бўлиб, истилоҳда – устознинг ўзи ривоят қилган нарсалардан бир қисмини шогирдига бериб, очик тарзда ёки киноя билан ижоза ҳам бериши хисобланади.

Муновала – ё ижоза билан бирга ёки ижозасиз бўлади.

1) Агар муновала ижоза билан бирга берилса бу энг аъло ижоза деб юритилади.

Буни сурати қуйидагича: шайх ўзи эшиитган нарсалар аслини ёки уни муқобилини шогирдига мулк қилиб (ўз-ўзига) ёки вактинча фойдаланишга узатади ёки шогирд устозидан эшиитган нарсалар асли ёки муқобилини келтириб устозига қўрсатади, шайх уни синчиклаб кўриб чиқади-да, шогирдига қайтариб беради ва иккала ҳолатда: “*Бу – фалончидан эшиитган ёки ривоят қилганларим эди, бас шуларни ривоят қилавер ёки мендан шуларни ривоят қилишингга ижоза бердим!*” дейди.

Бундай муновала Имом Зухрий (124x. с.да в.э.), Муҳаддис Рабиъа (144 x. с.да в.э.), Олим Яҳё ибн Саъид Анзорий (107 x.с.да в.э.), Фақих Мужоҳид (203 x. с. да в.э.), Шаъбий (210 x. с.да в.э.), Молик (179 x. с.да в.э.) ва бошқалар наздида шайхни ўзидан эшитиш даражасидаги кувватга эга бўлиши жоиз.

Лекин Имом Саврий (161 x. с.да.в.э.), Авзоъий (157 x. с. да в.э.), Ибн Муборак (181 x. с.да в.э.) Абу Ҳанифа (150 x. с.да в.э.), Шофеъий (204 x. с. да в.э) сахиҳроқ деб билган фикр шуки: “муновала – шайхдан эшитиш ёки унга ўқиб бериш даражасидан пастроқ туради”.

2) Муновала ижозасиз берилган бўлса, яъни китобни бераётib: “*Булар – фалончидан эшиитган ёки ривоят қилганларим*” дегану, аммо “*шуларни ривоят қилавер, ё мендан шуларни ривоят қилишингга ижоза бердим!*” демаган бўлса, сахиҳ фикрга кўра, ривоят қилиш жоиз эмас.

Ҳанафийларни мазҳабига кўра – ижозасиз муновала ҳеч қандай эътиборга эга эмас. (1:326).

Аммо ижоза ва муновала билан событ ривоятни адо этилишига келсак, ҳанафийларда мустаҳаб бўлгани – “*фалончи менга ижоза берди*” деб адо этиш назарда тутилади. Лекин,

мабодо: “менга ҳабар берди” деса ҳам жоиз. Бирок “менга ҳадис айтди” демайди, чунки бу фақат тўғридан-тўғри эшитган одам айтиши жоиз бўлган ибора хисобланади.

Аммо муҳаддислар наздида “бизга ҳадис айтди” ёки “бизга ҳабар берди” деб мутлақ (кайдсиз, кўшимчасиз) айтиш мумкин эмас. Аммо буни хослаб: “бизга ижоза билан ҳадис айтди” ёки “ижоза билан ҳабар берди” деса бўлади. Шунингдек, “муновала ва ижоза билан” ёки “изн билан” ёки “менга изн бергани ёки ижоза бергани ёки муновала қилгани ичида борки..” ва ҳоказо ибораларни ишлатиши жоиз бўлади. (1:326).

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ислом дини буюк тарихни ўз ичига олади. Бизгача етиб келган жамики ҳадислар маълум поғоналарни босиб ўтган. ”Мусталахул ҳадис” илми эса мазкур йўлларни ўрганиш учун асос бўлиб, ундаги таҳаммул боби ўз навбатида ҳадисларнинг қай тарзда ва қандай ривоятлар асосида келганлигини ўрганади. Ундаги асосий ғоя ровийлар ҳадисларни ўзларидан кейинги авлодларга турли йўллар шу жумладан шайхдан эшитиш, шайхга ўқиб бериш, китобот, рисолот ва бошқа усувлар билан етказганликларини ўргатади. Мазкур боб асосида ҳар бир ҳадис ровийларнинг белгиланган меъзонларнинг қоидаларига бўйсунган ҳолда етказилганлигини тушунтиради ва текширади. Бу илим ўқувчини сергак бўлишга ва ҳар бир ҳадис синчковлик билан ўрганилганига диққатини қаратади. Шу жумладан, келажак авлод ёшлари “Мусталахул ҳадис” илмини пухта эгаллаб, саҳих ҳадисларни носахихларидан ажратиб бериш ва келажакда бизни юртдан яна Ином Бухорийлар, Ином Термизийлар чиқишини тамиллашга хизмат қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулмажид Жузжоний. Қоваъиду фи улумил ҳадисин Набавий. – Дехли: Жамиятул исломия, 2019.
2. Сарахсий.”Усули сарахсий”. Қохира: Дор ал-Миср,1985.
3. Ибн Солҳ.”Илму Ҳадис”. Қохира: Дор ал -Эътисом, 2009.
4. Хотиб ал –Боғдодий “Хатиб Ал-кифоя “. Қохира:Дор ан-нашид,1990.
5. Ахмат Тантовий.“Эътибор баянул ан-носих вал мансух минал ахбор”.Дорул Кутуб ал-Илмия,1987.
6. Амр Бодулшоҳ Маккий.”Тайсирул ал-Тахрир.Миср,Дарул Китоб ал-Илмия, 2002.
7. Абдул Мажид ал-Жузжаний”Қоваъиду фи улумил ҳадисин набавий”.-Дехли:Жамиятул Исломия, 2019.
8. Ибн Салоҳ. "Улумул ҳадис", Мадина. 1965 .
9. Муҳаммад абу Зарко. "Усулул фикҳ". Қохира, 1993 .
10. Тайсиру мусталаҳил-ҳадис. Доктор Маҳмуд Тахҳон. 2004.
11. Тавзиху мусталаҳил-ҳадис. Бадаҳшоний Анвар. 1992 .